O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 30 август, № 172 (4325) Пайшанба

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 август куни Оқсаройда Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередовни қабул қилди.***

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, бугунги учрашув Ўзбекистон-Туркманистон муносабатлари изчил ривожланиб бораётганидан далолат беришини таъкидлади.

Ўзбек ва туркман халқлари асрлар давомида ёнма-ён яшаб келади. Истиқлол йилларида Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарларининг бир неча бор олий даражадаги учрашувлари ўтказилди. Бугун Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги муносабатлар 1996 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳамда 2004 йили қўл қўйилган Дўстлик, ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартномалар руҳида ривожланмоқда.

МДҲнинг жорий йил июнь ойида Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган норасмий саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳаммедов учрашиб, ўзаро муносабатларнинг истиқболи, минтақавий ҳамкорлик, иқтисодий интеграция ва хавфсизликка доир масалалар юзасидан фикр алмашдилар.



Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида 1996 йилдан буён Узоқ муддатли савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битим амал қилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2006 йилда 47 миллион, жорий йилнинг январь-июнь ойларида эса 32,6 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Икки томонлама савдода озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги, органик ва ноорганик кимё маҳсулотлари, қурилиш материаллари, турли хилдаги асбоб-ускуна ва қурилмалар асосий ўрин тутади. Ўзбекистонда ҳам, Туркманистонда ҳам ўзаро ҳамкорликда тузилган қатор қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Нефть-газ саноати ва транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ.

Гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда. Икки мамлакатнинг маданият ва санъат намояндалари Ўзбекистон ва Туркманистонда ўтказиладиган фестиваль ва кўргазмаларда, йирик конференциялар, симпозиум ва семинарларда мунтазам қатнашиб келади. Туркманистон санъаткорлари "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалининг доимий иштирокчиларидир. Ўзбекистоннинг театр жамоалари, рақс ансамбллари жорий йилнинг апрелида Ашхободда ўтган "Миллий фольклор ва театр санъати" халқаро фестивалида иштирок этди. Май-июнь ойларида Ашхободда Самарқанднинг 2750, Марғилоннинг 2000 йиллик юбилейларини нишонлаш доирасида "Ўзбекистон бадиий санъати – Мустақиллик даври" кўргазмаси ташкил қилинди. 1996 йилда Хивада туркман халқининг атоқли шоири Махтумқулининг ҳайкали очилгани ҳам диққатга сазовордир.

Оқсаройдаги учрашувда Рашид Мередов Туркманистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш тарафдори эканини алоҳида таъкидлади. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, бу борада мавжуд имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилсин.

2. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2007 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши Котиби М. Атаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 29 август

---

# ЭЗГУЛИК САМАРАСИ

***Бугун вилоятнинг каттаю кичик шаҳарларидан тортиб, унинг олис қишлоқларида ҳам бўлсангиз, кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларига кўзингиз тушади. Хусусан, халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами арафасида 368 та иншоот фойдаланишга топширилди. Мисол учун, 500 нафар йигит-қиз илм ва касб ўрганадиган Пахтаободдаги тиббиёт коллежи қурилишига 2 миллиард 200 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.***




Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида 74 та билим маскани жорий ва мукаммал таъмирдан чиқарилди. Андижон туманидаги 23-умумтаълим мактаби ўқувчилари эса жорий йилда "Мустақиллик дарси"ни янгидан қуриб битказилган мактабнинг ёруғ ва шинам синф хоналарида бошлайдилар. Унга туташ спорт мажмуаси эндиликда ёшларнинг севимли даргоҳига айланади.

Таъкидлаш жоизки, "Андижонни кўркам ва обод вилоятга айлантирайлик!" шиори остида ўтказиладиган кўрик-танлов кўчаю гузарлар, хонадону маҳаллаларнинг обод бўлишида катта аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари вилоятда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Избоскан туманида "ROS IZT extile" Ўзбекистон-Россия, "Таъус-текистиль" Ўзбекистон-Британия қўшма корхоналарига асос солингани фикримизга далил бўла олади. Янгиобод қишлоғида замонавий қишлоқ врачлик пункти қуриб битказилгани эса айни муддао бўлди.

Бир сўз билан айтганда, Андижон байрам оғушида. Халқ улуғ байрамни аҳиллик, уюшқоқлик, кўтаринкилик билан кутиб олаётир.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

---

***Мамлакатимизга ташриф буюрган Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Р.Мередов Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири В.Норов билан учрашди.***

## ТУРКМАНИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасида барча соҳалардаги алоқалар ўзаро манфаатдорлик асосида изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, ижтимоий, савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

---

# ОЗОДЛИК, МАРДЛИК ВА КУЧ-ҚУДРАТ ТИМСОЛИ

***Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда давлат мукофотлари таъсис этилди. Бундан етти йил муқаддам — 2000 йил 30 август куни "Жалолиддин Мангуберди орденини таъсис этиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинган эди.***

Жалолиддин Мангуберди ордени билан мамлакат мустақиллигини, Ватан сарҳадларини, она юрт тупроғини ҳимоя қилишда ҳамда уни кўз қорачиғидек асрашда юксак ҳарбий маҳорат, қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатган, давлатимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган қўмондонлик таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар мукофотланадилар.




Айни пайтга қадар Юртбошимиз фармонига биноан бир қатор ана шундай ҳамюртларимиз ушбу орден билан мукофотланган.

Жалолиддин Мангубердининг жангу жадаллар ичида кечган ҳаёти, кўрсатган мислсиз жасорати тарих саҳифаларига мангу муҳрланган. У юртимиз босқинчилар оёғи остида қолиб, салтанат парокандаликка юз тутган ўта мушкул пайтда Ватан озодлиги, шаъни ва шавкати йўлида мардонавор курашган.

Жасоратли бобомизнинг шонли ҳаёти ватанпарварлик, ҳурликнинг ёркин намунасидир. У кўрсатган қаҳрамонлик Ватаннинг ҳар қарич ери муқаддас, юрт озодлиги ҳар нарсадан азиз эканини доимо ёдга солиб туради.

1999 йилда Юртбошимиз ташаббуси билан Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги кенг нишонланди. Урганч шаҳрида унинг муаззам ҳайкали қад ростлади.

"Давлат мукофотлари тўғрисида"ги қонунда давлат мукофотлари билан айрим ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар, ҳарбий бўлинмалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам тақдирланиши қайд этилган.

Жалолиддин Мангуберди сиймоси ифодаланган орден бизни доимо Ватан озодлиги, халқимиз эрки йўлида жасоратга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдек эзгу ишларга даъват этаверади.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ, ЎзА шарҳловчиси.**

---

## Мустақиллик — менинг тақдиримда!

***Ўтган йили вилоятда бўлган катта бир йиғинда «Ўзбекистон Миллий банки орқали Саудия Арабистонидан 107 минг динорлик инвестиция киритаяпмиз. Фермер хўжалигимиз қошида шифобахш ўсимликлар ёғи ишлаб чиқарадиган завод қурмоқчимиз. Янаги йили фермер хўжаликларидан катта миқдорда масхар, кунжут, кунгабоқар, зиғир каби маҳсулотларни сотиб олишимиз мумкин», деганимда сўзларимга шубҳа билан қараган фермерлар ҳам бўлди. Лекин ўша кунданоқ кўпчилик хўжалигимиз билан шартнома тузиш тараддудига тушди.***

# ЗАВОД ҚУРДИК, ФАБРИКАМИЗ ҲАМ БЎЛАДИ



Мана, бугунга келиб корхонамиз маҳсулот ишлаб чиқаришга шай. Шу кунларда шифобахш ёғларни ранг-баранг идишларда чиройли ёрлиқлар билан қадоқлаш ҳаракатидамиз. Асосан лалми ерларга экиладиган ўсимликлардан фермер хўжаликлари ҳам, хусусий ер эгалари ҳам бинойидек ҳосил етиштиришлари мумкин. 20 киши меҳнат қиладиган ёғ заводимизга йил давомида озмунча маҳсулот керак бўладими. Ахир, корхонада ҳар куни 7-8 тонна шифобахш ёғ ишлаб чиқарилади.

Мустақиллик йилларида меҳнат қиламан, элимга, юртимга, Ватанимга фойдам тегсин, деганларга истаганча ёрдам берилаяпти. Гап тадбиркорликда, ташаббус кўрсатиб, изланиб ишлашда.

Илгари яхшигина мутахассислигим бўлатуриб, кимнингдир кўрсатмасини бажаришга мажбур эдим. Олим-агроном сифатида экин экиш, парваришлаш жараёнларида мустақил ҳаракат қилолмасдим. Ҳосилни қайта ишлаш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасдик.

Энди эса 250 гектар ернинг эгасиман. Истиқлолнинг дастлабки йилларида очилган кичик хўжалигимизни секин-аста кенгайтириб, 45 оила меҳнат қиладиган катта жамоага айлантирдик. Шу пайтгача 25-30 центнердан ҳосил бераётган майдонларда ғалла ҳосилдорлигини 55-60, пахтаникини 40-42 центнерга етказганимиз барчамизга ишонч, куч-қувват бағишлаяпти. Даромадимиз ҳам шунга яраша. Натижада фермер хўжалигимизнинг барча техникаларини бутлаб олдик. Тўрт нафар иш юритувчи хизмат машинасига эга.

Жамоа аъзоларининг ўнлаб фарзандлари коллеж ва олий ўқув юртларида таҳсил олишаяпти. Уларга доимий амалий ёрдам бераяпмиз. Бу йил ўзимнинг Мустақиллик тенгдошлари бўлган эгизак фарзандларим ҳам ўқишга кирди.

Яқинда кўп болали, кам таъминланган Шерали Бобоёров, Шокир Раҳмоновларнинг оилаларига сигир ҳадя этдик. Кейинги икки йилда туманимиздаги 25 оилага соғин сигир топширилди.

Бу ишларнинг бошида ўзим турганлигимдан мағрурланиб юраман. Туман аҳлининг менга ишонч билдириб, халқ депутатлари вилоят кенгашига депутат этиб сайлашгани зиммамга катта масъулият юклайди.

**Муҳаммад СУВОНҚУЛОВ, Пахтакор туманидаги «Семурғ» фермер хўжалиги раҳбари, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати.**

---

# ЗАМОНАВИЙ АЛОҚА ХИЗМАТИ

***Мамлакатимиз Мустақиллигининг 16 йиллик байрами арафасида Ўрта Чирчиқ туманида «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «ЎзМобайл» филиали коммутация маркази иш бошлади.***

Мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларида ва умуман, жамият ҳаётида ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларига талаб ортиб бормоқда. Ҳаётимизнинг барча соҳаларига энг янги ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Бу борада "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси тизимида бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур компания телекоммуникацияларнинг йирик оператори бўлиб, мамлакатимизнинг бутун ҳудудини ўз тармоғига қамраб олган. Замонавий телекоммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда у овозли алоқанинг барча турлари, интернетдан фойдаланиш имконияти, CDMA стандарти асосида симсиз алоқа хизматлари, маълумотлар узатиш бўйича ҳамда бошқа қўшимча хизматлар кўрсатиб келмоқда.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 23 январда қабул қилинган «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг телекоммуникация тармоғини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш чора-тадбирларига оид қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

---

*Мусо Жаъфар бин ҲАССАН:*

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРИХИ БОЙ, БУГУНИ ЁРҚИН, КЕЛАЖАГИ БУЮКДИР

***Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик тўйи, "Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси" мавзуидаги халқаро конференция ҳамда "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали — булар Ўзбекистон қадриятлари билан боғлиқ халқаро миқёсда ўтказилган ва ўтказилаётган тантаналардир. ЎзА мухбири ушбу анжуманларнинг фаол қатнашчиси – ЮНЕСКО Бош конференцияси раиси Мусо Жаъфар бин ҲАССАН билан суҳбатлашди:***



— Ўзбекистоннинг тарихи бой, бугуни ёрқин, келажаги буюкдир, — дейди меҳмон. — Ушбу муқаддас заминда камолга етган, оламшумул кашфиётлари билан жаҳонга танилган ўнлаб буюк мутафаккирлар ўзининг бой илмий-маънавий ва маданий мероси билан дунё цивилизацияси ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Уларнинг эзгу ишларини бугунги авлод муносиб давом эттирмоқда.

Ҳар гал Самарқандга келганимда бетакрор тарихий обидалар ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб, руҳим янада кўтарилади. "Ер юзининг сайқали" номи билан машҳур қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд азалдан Шарқнинг энг ёрқин илму маърифат марказларидан бири бўлган. Бу ердаги мадрасаларда дунёнинг турли бурчакларидан келган толиби илмлар таҳсил олган. Дунёда Самарқанддек шаҳарлар кам эканини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу муқаддас шаҳар инсоният бунёдкорлиги, ақлу заковати, тафаккури тимсолидир.

Истиқлол йилларида Самарқанднинг жаҳонаро шуҳрати янада юксалиб бормоқда. "Шарқ гавҳари"да Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган ишлар мени ҳайратда қолдирди. Бу янгиланишлар бунёдкор халқингизнинг юксак салоҳияти, тафаккур қудрати, истеъдод ва маҳоратининг яна бир намоёнидир.

**— "Шарқ тароналари" олтинчи халқаро мусиқа фестивали ҳақидаги таассуротларингиз?**

— Фестивалнинг очилиш маросимида иштирок этганимдан ғоят мамнунман. Мафтункор куй-қўшиқларингиз, жозибали рақсларингиздан катта завқ-шавқ олдим. Гўзаллик ва нафосатни ўзида мужассам этган ўзбек наволарининг, юракни жунбушга келтирувчи рақсларининг жаҳон мусиқа санъатида алоҳида ўрни бор.

Инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзгуликка даъват этувчи ушбу анъанавий фестиваль жаҳон халқларининг мусиқий меросини тарғиб этиш ва ривожлантиришга хизмат қилиб келмоқда. Санъат, хусусан, мусиқа тили, маданияти, миллий қадриятлари ранг-баранг миллат ва элатларни бир-бирига яқинлаштиради ва бирлаштиради.

(Давоми 2-бетда).

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Делегация аъзолари қамоқда



Бағдоддаги «Шератон» меҳмонхонасида АҚШ ҳарбийлари томонидан Эрон Энергетика вазирлиги делегациясининг бир неча аъзоси қамоққа олинган, сўнг номаълум томонга олиб кетилган.

Эрон элчихонаси вакили ўз мамлакати фуқаролари ушлангани тўғрисида маълумотга эга эмаслигини билдирди. Шу билан бирга, у Энергетика вазирлиги делегациясининг олти нафар аъзоси ва бир нафар элчихона ходими «Шератон» меҳмонхонасида тўхтаганини таъкидлади. Унинг қайд этишича, делегация Ироқ ҳукумати таклифига биноан электр энергияси етказиб бериш бўйича шартнома тузиш учун Бағдодга келган.

## Гаровдагилар озод этилади

***Толиблар шу йилнинг 19 июль куни гаровга олинган 19 нафар жанубий кореялик фуқарони озод қилишга тайёр.***

Бу ҳақда ўз исмини айтишни истамаган жангарининг гапларига таяниб, AFP хабар тарқатди. Жангарининг таъкидлашича, Толиблар ва расмий Сеул делегацияси ўртасида бўлиб ўтган сўнгги музокаралар чоғида Жанубий Корея ҳарбий контингентини Афғонистондан олиб чиқиб кетиш тўғрисида келишувга эришилган.

Жанубий Корея президенти девони вакили ҳам Толиблар гаровга олинганларни озод этишга рози бўлганлигини билдирди.

## Самолётлар тўқнашуви



Лос-Анжелес аэропортида Alaska Airlines авиакомпаниясига қарашли иккита Boeing 737 самолёти тўқнашиб кетди. Аэропорт вакилининг таъкидлашича, бортида 117 йўловчи бўлган лайнер учиш йўлига чиқиш пайтида тўхтаб турган самолётга урилиб кетган. Натижада самолётнинг қанотига шикаст етган. Иккинчи самолётнинг орқа қисмидаги вертикал стабилизатор синиб кетган.

Маълумотларга қараганда, тўқнашувдан ҳеч ким жароҳатланмаган.

## Уй қулаб тушди

***Бокуда 2002 йилдан буён қурилаётган кўпқаватли уй қулаб тушди. «Интерфакс» ахборот агентлиги хабарига кўра, ҳалокат натижасида икки нафар киши қурбон бўлган, икки киши жароҳатланган.***

Етти кишининг тақдири номаълумлигича қолмоқда. «Новости-Азербайджан» хабарида айтилишича, ҳалокат содир бўлган вақтда бинода камида 38 нафар одам бўлган. Шунинг учун жабрланганлар сони кўпроқ бўлиши ҳам мумкин.

Республика прокуратураси ушбу ҳолат бўйича жиноий иш очди. Бинони қураётган «Мутафаккир» компанияси раҳбарлари Али Мурадов ва Асқар Алиев қамоққа олинди.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

# ЗАМОНАВИЙ АЛОҚА ХИЗМАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жорий йилда Хитой тараққиёт банки ва «Алоқа-банк» билан ҳамкорликда лизинг асосида тармоқни ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича қиймати 21,2 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳа амалга оширила бошланди. У CDMA-450 стандартли уяли алоқа тармоғини кенгайтириш, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида, Фарғона ва Жиззах шаҳарларида телекоммуникациявий транспорт тармоғини реконструкция қилиш, янги авлод технологиялари асосида Тошкент телекоммуникациялари маҳаллий тармоғини модернизациялаш ва ривожлантиришни ўз ичига олади.

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида энг замонавий CDMA-450 стандартидаги мобил алоқа тармоғи ишга туширилди. Мазкур лойиҳа доирасида Наманган ва Тўйтепа шаҳрида 20 минг, Самарқанд шаҳрида 30 минг рақамга эга коммутаторлар фаолияти йўлга қўйилди. Шартномага мувофиқ 70 та базавий, иккита коммутация станцияси ўрнатилади.

Тармоқни янада кенгайтириш ва сифатли алоқа хизмати кўрсатиш даражасини ошириш мақсадида компаниянинг Самарқанддаги филиали абонентлари сони 30 мингга етди. Лойиҳа доирасида Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятида 30 дан ортиқ базавий станция ўрнатиш режалаштирилмоқда.

Байрам олдидан компаниянинг «ЎзМобайл» филиали томонидан Тўйтепа шаҳрида 10 минг рақамга мўлжалланган коммутация маркази фаолияти йўлга қўйилди. Марказ Тошкент ва Сирдарё вилояти аҳолисини сифатли алоқа хизмати билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

**Л. СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЯНГИ ЛОЙИҲА

***Қишлоқ хўжалик корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлигида Ўзбекистонда парранда гриппининг олдини олиш ва турли касалликлар тарқалишига йўл қўймаслик лойиҳасининг ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан семинар бўлиб ўтди.***

**Тақдимот**

Анжуманда таъкидланганидек, мазкур лойиҳага Европа Иттифоқи томонидан «Траст» жамғармаси орқали муайян миқдорда маблағ ажратилган. Ушбу лойиҳа Жаҳон банки кўмагида амалга оширилади. Ундан уй жониворлари орасида парранда гриппининг тарқалиши ҳамда касалликдан зарарланишнинг олдини олишда фойдаланилади.

Семинарда Қишлоқ ва сув хўжалиги, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Вирусология ва вирусологик лаборатория институти ходимлари иштирок этишди. Шунингдек, тадбирда ЮНИСЕФ ва Жаҳон банки вакиллари ҳам қатнашдилар.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «ВАТАН ЯГОНАДИР, ВАТАН БИТТАДИР»

*Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» мавзусидаги энг яхши қўшиқ ва мусиқий асарлар танловининг республика якуний босқичида қуйидагилар ғолиб деб топилди:*

**Биринчи ўрин:**
***«Атрофга боқ»***

Анор Назаров мусиқаси, Иқбол Мирзо сўзи.
Ижрочи: Дилнура Қодиржонова.
Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси

**Иккинчи ўрин:**
***«Ватан»***

Баҳрулло Лутфуллаев мусиқаси, Абдулла Орипов сўзи.
Ижрочи: Шарофиддин Муродов.
«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси

**Учинчи ўрин:**
***«Мангу ҳаёт»***

Рустам Абдуллаев мусиқаси, Иқбол Мирзо сўзи.
Ижрочи: Дилноза Исмияминова.
«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси

*Юксак ижро маҳорати билан ажралиб турган хонандалар, бадиий жиҳатдан мукаммал ёзилган шеър муаллифлари ва ўзига хос услубдаги мусиқа асари муаллифлари* ***Йигирма битта рағбатлантирувчи мукофотга*** *сазовор бўлишди.*


МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ



«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ
амкодор

(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.



Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Маҳсулот сертификатланган

Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй.
Телефон/факс: 191-64-06, 191-68-94.
E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru



«СОВПЛАСТИТАЛ» ҚК

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб қўшма корхона ташкил этилганлигининг 20 йиллиги арафасида

ишлаб чиқараётган маҳсулотларига ўз тарихида мисли кўрилмаган даражада қуйидаги ЧЕГИРМАЛАРНИ эълон қилади:





Барча турдаги пластмасса маҳсулотларига 30% дан 50% гача.
Сополдан ишланган маҳсулотларига 30% гача.
Юқори бадиий чинни маҳсулотларига 20% гача.
Матодан ишланган сунъий гулларга 30% гача



BELARUS
МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали МТЗ «Беларусь» ТРАКТОРЛАРИ
МИНИ ТЕХНИКА ва улар учун эҳтиёт қисмларни таклиф этади.



Маҳсулот сертификатланган

KAMMAZ ARSENAL
Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел./факс: 281-40-75, 281-40-90, 281-40-33.
Сайт: www.uzkam.com



«ЛУКОЙЛ» компанияси
Ўзбекистон халқини
Мустақиллик байрами
билан табриклайди!



ЛУКОЙЛ


BANK IPAK YO'LI
«Ипак йўли» банки
Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонларини энг улуғ байрам —
Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги
билан чин дилдан табриклайди!
Барчага тинчлик-хотиржамлик, бахт ва жонажон юртимиз иқтисодий-ижтимоий тараққиёти йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда зафарлар тилаймиз!
Байрамингиз муборак бўлсин!
1200R/151


KOFE ICHASIZMI?
Ko'p vazifali WorkCenter Pro 128 printeri.
Barcha ofis ishlarini o'zi bajaradi. Faqat kofeni o'zingiz tayyorlashingiz lozim.
Xerox. Zamonaviy yondashuv.
Maxfiy, sinov uchun chop etish va keyinga qoldirilgan chop etish
Chop etish ishlarini hisobga olish, chop etishda maksimal maxfiylik rejimi
Chop etishning amaldagi maydaligi 1200 x 1200 dpi Samarali ishlash uchun 100 dan ortiq konfiguratsiyalar mavjud
Interfaol foydalanuvchi interfeysi, tarmoq skanerlashi, e-mail da skanerlash, faks-server ishlashi
XEROX
www.xerox.ru
Technology | Document Management | Consulting Services
Ташкент: "UCD Micros" (99871) 361 43 58, 361 43 61; "Sharifa T" (99871) 137 68 03.
mahsulot sertifikatlangan
1166R/840


Барча Ватандошларимизни Мустақиллигимизнинг
16 йиллик
айёми билан
«ИФФАТЛИ КЕЛИН»
ўқув маркази
муборакбод этади!
Истиқлолимиз абадий, осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, хонадонларимиз обод бўлсин.


TURON BANK
АТ «Туронбанк»
Ўзбекистон фуқароларини улуғ айём — мамлакат Истиқлолининг 16 йиллиги билан қутлайди!
Ҳар биримиз ўз меҳнатимиз, эзгу саъй-ҳаракатларимиз билан улуғ неъмат — Мустақиллигимизни асраб-авайлашимиз ва Ватанимиз гуллаб-яшнаши йўлида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишимиз даркор.
Сизга саломатлик, тотувлик ва омад тилаймиз!




*Муҳтарам газетхон!*

*Газетамизнинг шу сонидаги қўш саҳифа газетхонлар учун бепул илова қилинмоқда.*






# IPOTEKA BANK

*Озодлик, ҳурлик, эркинлик байрами муборак, азиз юртдошлар!*



IPOTEKA BANK

# O'ZSANOATQURILISHBANK

Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки

## «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

жамоаси

*республикамиз аҳолиси ва меҳмонларини, акциядорларини, мижозларини ҳамда ҳамкорларини*

**Мустақиллигимизнинг 16 йиллик айёми**

*билан чин қалбдан табриклайди!*

*Барчангизга сиҳат-саломатлик, хайрли ишларингизга муваффақият, оилангизга тинчлик ва хотиржамлик тилайди.*



**Ижтимоий ҳимоя йилида «Ўзсаноатқурилишбанк» ёш оилалар учун имтиёзли шартларда қуйидаги мақсадларга кредитлар ажратилишини маълум қилади:**

**ИПОТЕКА КРЕДИТИ —** *уй-жой қуриш, сотиб олиш ва таъмирлаш учун;*

**МОЛИЯВИЙ ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ —** *маиший техникалар, мебель ва узоқ муддат фойдаланиладиган уй-рўзғор жиҳозларини сотиб олиш учун;*

**МИКРОКРЕДИТЛАР —** *оилавий бизнесни ташкил қилиш учун.*

Хизматлар лицензияланган

Сизни қизиқтирган барча тегишли масалалар бўйича қуйидаги телефон орқали Call-марказга мурожаат қилишингиз мумкин: (99871) 113-15-15.

www.uzpsb.uz

*Азиз юртдошлар!*

MIKROKREDITBANK

## АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ «МИКРОКРЕДИТБАНК»



**сизни энг улуғ ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги билан муборакбод этади!**

### ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки кичик бизнес билан шуғулланаётганларга бошланғич сармояни шакллантириш учун йиллик 5 фоиз ставка билан 18 ойгача кичик бизнес субъектларига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан 200 бараваригача миқдорда микрокредитлар ажратади.

Кичик бизнес субъектларига бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағни тўлдириш учун (Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган фоиз ставка бўйича) 24 ойга, энг кам ойлик иш ҳақининг 500 бараваригача миқдорда микрокредитлар беради.

3 йилгача бўлган муддатга (Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган ставка бўйича) энг кам ойлик иш ҳақининг 2000 бараваригача миқдорда микролизинг хизматлари кўрсатади.

**Омонатга қўйилган маблағингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.**

**Омонатингизни асраб-авайлаймиз ва кўпайтирамиз!**

**Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 173-28-11, 173-28-12, 173-05-79.**

**«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!**

### «МИКРОКРЕДИТБАНК» ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИ:

- *Маиший хизмат корхоналарида, меҳмонхоналарда, машинага ёнилғи қуйиш шохобчаларида, уяли алоқа компанияларида ва ҳатто метрополитенда тўловларни амалга оширишда, шунингдек савдо шохобчаларидан моллар харид қилишда қулай тўлов воситасидир. Сизни кўп миқдорда нақд пул олиб юриш ташвишларидан халос этади.*
- *Сизга ушбу банкнинг вилоятлар марказларидаги, шаҳарлар ва туманлардаги бўлинмаларидан нақд пул билан ва нақд пулсиз барча ҳисоб-китобларни амалга оширишингизга имкон яратади. Пластик карточкалардаги пулларингиз жамғармага қўйилгани сингари тўпланади ва кўпая боради.*

*Пластик карточкадан оилангизнинг барча аъзолари фойдаланишлари мумкин.*

*Пластик карточкалар йўқолганда қолган маблағларингиз янгисига ўтказиб берилади.*

**«МИКРОКРЕДИТБАНК» ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!**

**Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан «Микрокредитбанк» жисмоний шахсларга ўзининг йиллик 18 фоизли — «Орзу», «Нуроний», «Сиҳат-саломатлик», «Тежамкор — коммуналчи», «Она юрт», «Мучал тўйи», «Омад», 19 фоизли — «Кумуш тола», «Баҳор неъмати», 20 фоизли — «Меҳрибонлик», «Мададкор», «Камалак», «Хотира», 24 фоизли — «Нурафшон», «Мафтункор» сингари жами 21 хилдаги омонат турларини таклиф этади.**




Хизматлар лицензияланган

*Ҳурматли ватандошлар!*

**«Асака» банки**

**Сизларни кириб келаётган айём —**

**Мустақиллик куни**

**билан табриклайди**

**ва ўз жамғармангизни миллий валютадаги**
**янги муддатли «Мустақиллик—2007»**
**омонатига қўйишни таклиф этади.**

**Омонатнинг энг кам миқдори — *100 000 сўм.***

**Сақлаш муддати — *3 ой.***

**Омонатга йиллик *25%* ҳисобланади.**

**Омонатчининг хоҳишига кўра ҳисобланган фоизлар ҳар ойда берилади.**

**Омонатга маблағлар**
**2007 йил 5 сентябргача қабул қилинади.**

**Омонатни банкнинг барча филиалларига қўйишингиз мумкин.**

**«Асака» банки — маблағингизнинг сақланиши ва кўпайишига кафолат.**

**Сизнинг барча омонатларингиз**
**Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

Хизматлар лицензияланган

**Маълумот учун телефонлар:**
**120-86-97, 120-86-87, 120-82-60, 120-81-73.**

Яхши хабар

***Ёзги таътилда мириқиб дам олган болажонлар айни кунларда янги ўқув йилини ҳаяжону соғинч билан қаршилашяпти. Муқаддас маскан — мактаб ҳам болажонларга ўзгача файзу чирой билан қучоқ очса, уларнинг қувончи янада ортиши тайин.***

# АССАЛОМ, МАКТАБ!

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги саъй-ҳаракати билан Юқоричирчиқ туманидаги 17-умумтаълим мактаби бу йил мукаммал таъмирдан чиқарилиб, Истиқлолнинг 16 йиллик шодиёналари арафасида фойдаланишга топширилди. Мазкур даргоҳни тубдан таъмирлаш ва жиҳозлаш учун 387 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Куни кеча шу муносабат билан мактабда вилоят ва туман халқ таълими бошқармаси ходимлари иштирокида илмий анжуман бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар ёшларнинг истеъдодли ва тарбияли бўлишида бу масканнинг ўрни, аҳамияти беқиёс экани, таълим муассасаларида педагогик ва услубий жиҳатларга катта эътибор лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

— "Таълим тўғрисида"-ги Қонун ва "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури"нинг ижросини таъминлаш бизнинг муҳим вазифамиздир, — деди мактаб директори Мадиёр Аҳмедов. — Мактабимизда таълим жараёнида электрон дарсликлардан фойдаланиш, психологик ва замонавий методик йўллар билан болалар билимини оширишни йўлга қўйганмиз.

Анжуман доирасида намунали фаолият кўрсатиб келаётган педагог ходимлар рағбатлантирилди.

**Шоира БОЙМУРОДОВА.**

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН, ТАДБИРКОР ВА САРМОЯДОРЛАР!**

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ**

сизларни республика бўйича ўтказиладиган ягона электрон тизимдаги биржа савдоларига таклиф этади.

Биржа савдолари ҳар куни (шанба, якшанба ва душанбадан ташқари) маҳаллий вақт билан соат 15.00 да ўтказилади.

**Навбатдаги савдоларга қуйидаги мулк қўйилган:**
Наманган вилояти хўжалик судининг 2006 йил 11 декабрдаги 16-0604-4856-сонли ҳал қилув қарори билан банкрот деб топилган «Атлас» АЖга қарашли мол-мулклар мужассам ҳолда кредиторлар йиғилишининг 8-баённомасига асосан биржа савдоси орқали сотилади.

*Бошланғич баҳоси — 8 577 900 000 сўм.*

**Мулк жойлашган манзил:**
**Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 149-«А» уй.**

Биржа савдолари соат 15.00 да ягона электрон тизимида ўтказилади. Биржа савдосида қатнашиш учун харидорлар амалдаги қонунчилик, Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг Универсал биржа марказида биржа савдоларини ўтказиш қоидаларига мувофиқ ва белгиланган тартибда тегишли малака сертификати ва шаҳодатномага эга бўлган брокерларни ёллаган ҳолда ва хизмат кўрсатувчи банкдан тўлов қобилияти тўғрисида маълумотнома тақдим этиб қатнашишлари мумкин.

**Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин:**

**Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй.**
**Телефонлар: 138-69-70, 138-69-94.**
**Наманган шаҳри, Б.Машраб кўчаси, 7-уй (мўлжал: «Дилшод» фотостудиясининг 2-қавати). Телефонлар: (8369) 254-36-00, 217-10-70.**

**«O`ZKABEL» ҚК ОАЖ**

Сифатли кабель-ўтказгич маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Ўрта Осиёдаги пешқадам жамоа Ўзбекистон халқини Мустақилликнинг 16 йиллик байрами билан табриклайди! Барчага саломатлик, ишларида улкан муваффақиятлар, омад тилайди.

www.uzkabel.uz

Ўзбекистон Республикаси, 100041, Ф.Хўжаев к., 2. Тел./факс(+99871) 162 02 86, 162 13 33.

**KAPITALBANK**

**Ўзбекистон халқини**

**Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллиги билан чин дилдан табриклайди!**

*Барчага тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ҳар бир оилага фаровон ҳаёт, бунёдкорлик ишларида муваффақиятлар тилайди.*



*Байрамингиз билан, азиз юртдошлар!*

***«BTL ARZI MEDIA» агентлиги жамоаси***

**Ўзбекистон халқини ва ўзининг барча обуначиларини**
**Мустақилликнинг 16 йиллиги**
**билан муборакбод этади!**



*Барчага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, оилаларингизга фаровонлик тилаймиз!*

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ**

***Азиз юртдошлар!***

**Сизларни Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги билан табриклаймиз!**

*Юртимиз тадбиркорлари сафи кенгайиб, иқтисодий тараққиётга юз тутган Ватанимиз осмони мусаффо, элимиз дастурхони тўкин бўлсин.*



*Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз ҳамюртлар!*

РКМБ доимо хизматингизга мунтазир. Тел.: 228-79-52, 228-84-48.

